

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ФАНИ ВА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ  
ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ»**

Республика илмий-амалий  
конференцияси материаллари

2019 йил 18 май

Қарши – 2019

Ўзбеклар ҳам ўз тилида сўзлашишга уялган, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишини орзу қилиб, бу ҳақда ўз китобларида ошқора фикр юритган олимлар эса миллагчи сифатида қораланиб, қаттиқ таъин остида ҳаёт кечиришга мажбур қилинган булсалар, эндиликда мустақиллик шарофати билан давлат тилимизнинг маънавий фақат қозғоғидagina эмас, балки амалда ҳам юксакларга кўтарилмоқда.

Марказий Осиё худудида аҳоли азалдан водийларда, қатта сув манбалари – дарё ва анхорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чул ва шароитнинг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллари давомида бир-бирига мослашиб, яқин йелқадош бўлиб, бир-бирининг оғирини йенгил қилиб яшашини такозо этиб келади. Шунинг учун ҳам хурсандчилик кунларида ҳам, тўй-у маъракаларида ҳам бир-бирларига ҳамқору ҳамдаст бўлиб яшаш кўп миллатли халқимизнинг табиий равишда кундалик турмуш тарзига айланган. Уларнинг барчаси кўни-кўшничилик, маҳалла-қуйчилик удумларига риоя қилган ҳолда бир-бирларига уз дастурхонларидан насиба улашадилар, бетоблар ва ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар оладилар, бировнинг бошига иш тушган бошқалари унга қайғудошлик ва ҳамдардлик қилиб ҳам маънавий ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга шошиладилар.

Халқимиз орасидаги ўзаро ахиллик, айниқса, байрамларда, юртимизда нишонланадиган тантанали маросимлар ва халқ сайлларида узининг бутун бир жозибаси билан намоён булади, бундай кунларда улар турли либослар, турли тиллар ва турли оҳангларда ўзларининг шукроналик туйғуларини, шу муқаддас заминга, она Ўзбекистонимизга чуқур меҳру муҳаббатларини ўзларининг қуй ва қўшиқлари билан ифода этадилар.

Ана шундай лаҳзаларда Ватанимиз Ўзбекистон ҳақиқий дўстлик чаманзори сифатида ҳар қандай қузатувчининг ҳайрати-ю ҳавасини келтиради. Ватанмизда жуда қатта тантаналар билан умумхалқ байрамлари, 8 декабр - Конституциямиз қабул қилинган кун, 8 март-Хотин-қизлар куни, 9 май - Хотира ва кадрлаш куни шулар жумласидандир. Табиийки, қайси даврда бўлмасин, ҳар қандай ёвуз кучларга, босқинчиларга қарши кураш, бу наинки бир миллат ёки дин вакиллари манфаатига, балки миллати, ирки ва динидан қатъи назар, бутун инсоният манфаатларига хизмат қилади. Бу фикр ҳозирги глобаллашув даври учун айниқса муҳимдир. Бу жиҳатдан "Хотира ва кадрлаш куни"нинг мамлакатимизда барча миллат вакиллари томонидан кенг нишонланиши узининг чуқур маъно ва мазмунига эгадир. Мазкур байрам кунинда айниқса Иккинчи жаҳон урушида Ватанимиз Ўзбекистон учун, она халқимиз, жонажон юртимиз ва азиз туғроғимиз учун жон таслим қилганларнинг хотиралари такрор-такрор ёдга олиниб, уларнинг ҳақларига дуо-ю фотиҳалар қилинади.

Ўқорида келтирилган фикр - мулоҳазалар ва реал ҳаётнинг мисоллари шуни яна бир бор шуни тасдиқлайдики, республикаимизнинг барча худудларида турфа миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда, бир-бирларига фақат ва фақат яхшиликлар тилаб, эзгулик ва яратувчилик ишқи билан тинч-тотувлик ҳаёт кечираётганликлари, мустақил давлатимизнинг бугунги кунда эришган энг қатта ютуғи, қўлга киритган энг қатта бойлиғидир.

Ҳа, ҳар қандай душманни доғда қолдириб, ҳар қандай ғояларни бартараф этишга қодир булган қудратли куч ҳам айнан мана шу аҳиллик ва ҳамжиҳатликда мужассамлашгандир. Бу эса халқимизга хос бўлган юксак маънавиятнинг ажралмас қисми бўлиб миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, миллий уз узлигини англаш, миллий ҳис туйғулар, гурурни ва ватанпарликни ўстириш ва мустаҳкамлашга ҳам йўл очганини таъкидлаш зарур. Мустақил Ўзбекистоннинг тараққиёти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахси айниқса, ёшларнинг маънавий қамолоти, ғояларининг кишилар онгига, кундалик ҳаётга чуқурроқ кириб боришига боғлиқ.

Қадимги аждодларимиз қомил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий талаблари мажмуасини, замонавий тилда айтсақ, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён булиши керак.

Келажақда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан ютуқ фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим.

## O'ZLIKNI ANGLASH TUSHUNCHASI

I. Fayzullayeva - QurDU magistranti

O'zlikni anglash insonga xos bo'lib, hamma davrlarda ham u yoki bu darajada mavjud bo'lgan ibtidoiy inson o'zini tabiatning bir bo'lagi deb his qilsa-da, o'zini hayvonot bilan tenglashtirmagan. Ibtidoiy urug'-jamo'a ham o'zini boshqalardan keskin farqlagan, o'z asotiriga ("mafurasiga"), totemiga, e'tiqodiy urug' boshisi, sig'inadigan sanani va ramziga ega bo'lgan. O'zlikni anglash individual va jamoaviy (milliy)

darajalarda namoyon bo'ladi. Inson va jamiyat rivojlanishi jarayonida o'zlikni anglashi kuchayib, teranlashib, rang-baranglashib boradi. Urug'-jamoalardan qabilalarga, qabilalardan elatlarga, elatlardan millatlarga o'tish har ikkala darajada ham o'zlikni anglashni yangi tarixiy bosqichga ko'targan. "O'zlikni anglash degani – bu o'z tariximizni, ming ming yillik an'analimizni bilish degani. Agarki, har qaysi odam kechagi kunini yaxshi biladigan bo'lsa, hech qachon avvalgi xatosini yana takrorlamaydi"[1] –deya ta'kidlagan edi Birinchi Prezident I.A.Karimov.

Mustaqillikning qo'lga kiritilishi o'zbek xalqining hayotida milliy o'zlikni anglash yo'lidagi yangi buyuk qadam bo'ldi. Mustaqillik yillarida xalqimizning xolis va haqqoniy tarixi yaratilib, o'tmish tarixi chuqur o'rganilmoqda. Ma'naviy meros, madaniy boyliklar, ko'hna tarixiy yodgorliklar, urf-odat, an'ana, hayotiy qadriyatlar qayta tiklanmoqda. Zaminimizda yetishib chiqqan buyuk mutafakkir va allomalimiz, diniy, dunyoviy va qomusiy olimlarning qadamjolari obod etilmoqda, nomlari ulug'lanib, yubileylari o'tkazilmoqda, shahar, ko'cha nomlari berilib, stipendiya va ordenlar ta'sis etilmoqda, ma'naviy xazinalari turli tillarga, shu jumladan, o'zbek tiliga ham tarjima qilinmoqda.

Tarixiy yodgorliklarimizning to'rt mingdan ziyodi umumjahon merosining noyob namunasi sifatida YUNESKO ro'yxatiga kiritildi. Ajdodlarimiz tafakkurining mahsuli hisoblanmish eng qadimgi yozuv va toshbitiklar, xalq og'zaki ijodi namunalaridan tortib, bugungi kunda kutubxonamiz xazinasi saqlanayotgan ming-minglab qo'lyozmalar, ularda o'z aksini topgan tarix, fan, adabiyot va san'at sohalariga oid qimmatbaxo asarlarning o'zlikni anglashdagi o'rni beqiyos. O'zbek tiliga davlat tili maqomining berilishi, ta'lim sohasidagi tub islohotlar. "Talim to'g'risida" gi Qonun va "Kadrlar tayyorlash Milliy dasturi" ning qabul qilinishi, Harakatlar strategiyasi doirasida olib borilayotgan islohotlar, o'z tariximiz bilan bir qatorda jahon xalqlari tarixining o'rganilishi, jahon tajribasining o'zlashtirilishi, zamonga hamnafas ruh – milliy o'zlikni anglashimizni teranlashtirmoqda.

Tarixiy xotira millatga kuch-qudrat bag'ishlaydi, hayotning og'ir sinovlarini munosib yengib o'tishga, o'zligini saqlab qolishga yordam beradi. Shuning uchun ham o'zga xalqlarni tobe etishga uringan bosqinchilar xalqni ana shunday qudrat manbaidan ayirishga, shahar va tarixiy obidalar, madaniy yodgorliklarni va ajdodlarimiz ma'naviy merosidan mahrum etish orqali tarixiy xotirani zaiflashtirishga harakat qilganlar. Chor Rossiyasi generali Skobelev shunday degan: "Millatni yo'q qilish uchun uni qinsh shart emas, uning madaniyatini san'atini, tarixini yo'q qilsang bas, tez orada o'zi tanazzulga uchraydi" [2]. Milliy o'zlikni anglash millat uchun muhim xususiyat bo'lib, u bevosita tarix bilan bog'liq va millatning kelajagini ta'minlovchi omil hisoblanadi. Tarix – bamisoli ko'zgu. Ammo o'tmishga, ajdodlar merosiga mahliyo bo'lishning o'zi bilan uzoqqa borib bo'lmaydi.

Hozirda mavjud ko'plab o'quv qo'llanma va darsliklarda milliy o'zlikni anglash masalasida faqat o'tmishda erishgan va erishayotgan yutuqlarimizga urg'u berilmoqda, natijada kamchiliklarimizga e'tibor berilmayotir. O'z-o'zim anglash – bu xalqning, millatning o'z tarixiy taraqqiyot yo'lini, ota-bobolari, nasab, avlod-ajdodlarining kim bo'lganligi va ularning jahon ilm-fani, madaniyati taraqqiyotiga qo'shgan buyuk hissalarini bilish, undan faxrlanish, iftixor tuyg'ularini his qilish bilan birga o'ziga tanqidiy ko'z bilan qarash, o'z kamchiliklarini anglab yetish, uni tuzatishga harakat qilish, mavjud imkoniyatlarini yuzaga chiqarish va real voqeelikka aylantirish uchun o'zini safarbar etish, barcha imkoniyatlari, kuch-g'ayratini ishga solish, o'z oldiga istiqbolli maqsadlarni qo'yish va unga tomon to'g'ri faoliyat yuritish, uzoqni ko'ra olish hamdir. O'zlikni anglashda faqat faxr-iftixor, g'ururlanishning o'zi kamlik qiladi, o'z kamchilik va xatolarimizni anglab, uni tuzatish, kelgusida takrorlamaslik, tarixdan saboq chiqargan holda yashash, o'zimizning real imkoniyatlarimizni anglab, hayotga tatbiq etish masalasiga ham e'tibor qaratishimiz lozim.

Prezident Sh. Mirziyoyev: "Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala – bu yoshlarimizning odob-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamon shiddat bilan o'zgarayapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim – yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmasin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan" [3]. - deb ta'kidlaydi. Davlatning qanchalik rivojlanib taraqqiy etishi unda yashaydigan xalqning nechog'lik milliy o'zligini anglaganiga bog'liq. Yuksak rivojlangan jamiyat ham o'zligini anglagan shaxslardan tarkib topadi. Mansabparastlik, manmanlik, tarfakshlik, millatchilik – o'zligini anglagan insonga begona. Milliy o'zligini anglagan inson xalqni birlashtiradi, birdamlikka chorlaydi.

Milliy o'zlikni anglash barcha millat va elatlarning qadriyatleri, tili, dini, urf-odatlarini hurmat qilish, asrab-avaylash, rivojlantirishga ko'maklashadi va umume'tirof etilgan qoidalarga tayanadi. Hozirgi zamon tez sur'atlar bilan o'zgarib borayotgan bir sharoitda o'zbek xalqi o'zini anglashi, milliy g'oyani kishilar ongiga singdirish, ularda insonparvarlik, vatanparvarlik va milliy iftixor hissi bilan bir qatorda, qat'iyat.

институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари томонидан лойиҳавий тақлиф берилган. Бу инновацион меъморий лойиҳа доцент А.Э. Жонузқов раҳбарлигида талаба И. Халилов томонидан баржарилган.

Хуллас, биз ишлаб чиққан лойиҳавий тақлифлар ва Самарканд шаҳрининг яқин келажакдаги архитектуравий киефаси ҳақидаги тақлиф мулоҳазаларимиз амалга ошгудек бўлса, Самарқандимизнинг тарихийлиги билан боғлиқ меъморий туристик имкониятларни, Ўзбекистон бог-паркчилиги ва ландшафт дизайни санъатини янги погоналарга кутарган булар эдик СамДАҚИда бундай инновацион лойиҳаларни бажариш учун имкониятлар катта. Ҳар бир лойиҳавий тақлифларимиз ўзининг амалий ечимини топиши керак. Бунинг учун эса юқори органларнинг эътиборини қозонишимиз зарур.

## ЗАНЖИР САРОЙ – ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИНИНГ ЎРТА АСР МАРКАЗИЙ ШАҲАРЛАРИДАН БИРИ

А. Ҳасанов ҚарДУ т.ф.н

Қозонхон Султон томонидан Занжир Саройга асос солиниши, унинг бунёд этилиши тарихи жуда кизиқ ва у тўғридан-тўғри Чигатой улуси хонларининг сиёсати ва XIV асрнинг сиёсий воқеалари билан боғлиқ кетади. Қозонхон Султон фаолиятининг аҳамиятли томони шундаки, бу хон Или дарёси водийсига олиб кетилган улус ўрдасини қайтадан Қашқадарё воҳасига олиб келади ва ўрданинг янги қароргоҳи сифатида Занжир Саройни бунёд эттиради.

Улусининг чуқур инқирози ҳам Қозонхон Султонга ўта қаттиққўллик билан сиёсат олиб борилиши тақозо қилган бўлса ажаб эмас. Хоннинг бу сиёсати бу даврга келиб ўзини ўнглаб олган, катта бойликка ва маҳаллий аҳолининг хайрхоҳлигига эга бўлган туркий аслзодаларнинг қаттиқ қаршилигига сабаб бўлди. Улар Амир Қозагон бошчилигида хонга қарши икки марта исён кутарадилар ва шундай исёнларнинг бирида 1346-1347 йилларда Қозонхон Султон ўлдирилади.

Шу даврдан бошлаб мўгуллар Чигатой улуси тахтида ўзларининг бир ярим асрлик ҳукмронликларидан тамоман маҳрум бўладилар ва кейинги мўгул хонлари хонлик тахтига турк аслзодалари томонидан қўғирчоқ хонлар сифатида ўтқазилдилар.

Қозонхон Султон вафотидан кейин хон ўрдаси Занжир Саройда қолганми, йўқми бу номаълум ва ўша давр манбаларида бу тўғрида маълумотлар йўқ. Лекин? айрим нумизматик манбалар Занжир Сарой Қозонхон Султондан кейин ҳам сиёсий марказ бўлиб қолганлигини ойдинлаштиришга хизмат қилади. Бизга маълумки, Қозонхон Султондан кейин Амир Қозагон томонидан тахтга ўтқазилган Дошман ўғлон ҳам тезда ўлдирилади ва унинг ўрнига тахтга Буянқулихон ўтқазилади. Буянқулихон даврида зарб этилган тангаларнинг бирида «Саройда зарб этилган» деган ёзув мавжуд, лекин қайси Сарой эканлиги айтилмаган. Бу даврда сарой атамаси билан юритилган асосан иккита жой маълум - биринчиси Амурдарё бўйидаги Соли Сарой, иккинчиси Занжир Сарой[1:92]. Албатта бу даврда Занжир Саройнинг сиёсий мавқеи Соли Саройдан анча устун бўлган ва Занжир Сарой пойтахт мақомида бўлган. Шу нуқтаназардан фикр юритадиган бўлсак, Буянқулихон томонидан чиқарилган танга Занжир Саройда зарб этилганлиги сиёсий нуқтаназардан ҳақиқатга яқин. Бу ҳолат Занжир Саройнинг кейинги мавқеини баҳолашга хизмат қилади. Шу нуқтаназардан фикр юритсак, Занжир Сарой кейинги мўгул хонлари даврида ҳам асосий сиёсий қароргоҳларидан бири бўлиб қолаверган ва 1370 йилда Амир Темур қўли остига ўтган. Амир Темурнинг Занжир Саройга доимо келиб турганлиги ва куп марта қишлоқларнинг тўғрисида маълумотлар саройнинг ҳаминша обод манзиллардан бири бўлиб қолганлигини кўрсатади.

1387 йилда Амир Темур Ироқда пайтида унинг Мовароуннаҳрда йўқлигидан фойдаланган Олтин Ўрда хони Тўхтамышхон ва Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфи биргаликда Бухорога ҳужум уюштирдилар. Уларнинг бу ҳужумлари муваффақиятсизликка учрайди ва улар Термиз йўлига қараб чекинадилар. Чекиниш пайтида Олтин Ўрда ва Хоразм қўшини Бухоро-Термиз йўли устида жойлашган жамики шаҳар ва қишлоқларни вайрон этдилар ва шу пайтда Занжир Саройга ҳам ўт қўйиб юборадилар. Темурнинг даври тарихчиси Шарафиддин Али Яздий Занжир Саройнинг вайрон этилиши кейинчалик Амир Темур томонидан Сарой Берканинг хароб бўлишига сабаб бўлганлигини ёзади[2].

Шу тарихга вайронага айланган Занжир Сарой бошқа тикланмайди ва унинг харобалари бизнинг кунларгача йирик археологик ёдгорлик сифатида етиб келган.

Занжир Сарой Қашқадарё вилояти Муборак тумани марказидан 5-6 чақирим масофада, Қашқадарё шаҳар қишлоғининг ғарб томонида жойлашган Ёдгорлик дастлаб Поён Равшанов ва Жўраевлар томонидан ўрганилган[3].

58.	Э Х Ибрагимов	Табий ресурсларни назорат остига олиш – рухий манипуляциянинг асосий мақсади	100
59.	ДН Абдуллаев	Хайрия фаолияти – инсонпарварликнинг муҳим омили	101
60.	С Қ Холматова	Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва бағрикенгликнинг таъминланиши	103
61.	Т Б Абдуллаев, О О Юсуфалиев	Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тўтувликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотлар.	104
62.	Ш Т Хатамов	Ўзбекистан - страна межнациональной и межрелигиозной толерантности	106
63.	Б. Узоков	Миллатлараро тўтувлик – халқимизнинг бебаҳо қадрияти сифатида	108
(64.)	I Fayzullayeva	O'zlikni anglash tushunchasi	109
<b>IV ШУЪБА.</b> <b>ЁШ АВЛОДНИ ИЛМИЙ – ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИГА ЙУНАЛТИРИШ</b> <b>МАСАЛАЛАРИ</b>			
65.	А.С. Уралов	Самарқанд шаҳри тарихий жозибадорлигини оширишнинг меъморий имкониятлари	112
66.	А. Ҳасанов	Занжир сарой – Қашқадарё воҳасининг ўрта аср марказий шаҳарларидан бири	114
67.	М.Ҳ. Файзуллаева	Безак ва тақинчоқларнинг рамзий маъноси	117
68.	N O'rgo'ova	Istiqlo'ldavrida ta'lim tizimida amalga oshirilgan islohotlar	118
69.	Б. Мамадиев, Б. Бобоҷонов	Сўнги йиллардаги Қашқадарё воҳасида музейшунослик истиқболлари	120
70.	М. Қодирова	Миллий қадриятлар – ўзбек халқ ўйинлари асосида ёш авлодни камол топтириш	122
71.	С. Шодикулов	Спортчиларнинг юқори натижаларга эришишида психологик тайёргарликнинг аҳамияти	124
72.	Ш. Рузиев	Ёш спортчиларни мусобақаларга гайёрлашда уларнинг эмоционал зўриқиш ҳолатларининг психологик асослари	125
73.	О. Ю. Карахонова	Уқувчиларни маънавий фикрлашга ўргатишнинг имкониятлари	127
74.	Ф. Н. Самадова, Н. Х. Маҳмудова	Ёшлардаги соғлом турмуш тарзини шакллантиришда спорт ва жисмоний тарбиянинг аҳамияти	128
75.	Ф. Тўхтамишева	Ўзбек миллий каштачилик тарихидан	129
76.	Ж. Қ. Кўчаров	Қадимий Кешнинг илк ўрта асрлардаги халқаро маданий алоқалардаги ўрни ҳусусида	131
77.	Ш. М. Норматов	Илк ўрта асрлар ўрта асиёдаги этносиёсий вазият ва маданий алоқалар ҳақида баъзи мулоҳазалар	132
78.	Ф. Н. Самадова, Н. Х. Маҳмудова	Мақтабда жисмоний тарбия фанидан тўғарақларни ташкил қилиш	134
79.	М. Зарипова	Таълим-тарбия фаолиятида баркамол шахсни шакллантириш тамойиллари	136
<b>V-ШУЪБА.</b> <b>ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ</b> (янги тадқиқотларда)			
80.	Ў. Мавлонов	Ўзбекистоннинг маданий алоқалари тарихидан.	138
81.	Б. Ж. Эшов	Бағрикенгликнинг тарихий илдизлари ҳақида айрим мулоҳазалар	141
82.	А. Т. Замонов	Шайбонийлар даври ҳарбий салғатининг хорижий олимлар томонидан ўрганилиши	144
83.	Ш. А. Ҳайитов	Хориждаги “Қўқондий” ва “Марғишоний”лар ҳақида айрим қайдлар.	146
84.	И. М. Саидов	Наука и культура Узбекистана в 1941-1945 гг	149
85.	А. Ҳасанов	Ўзбекистоннинг ўрта аср шаҳарлари тараққиёт босқичлари (Жанубий Ўзбекистон мисолида)	152